

Ўзбекистон Республикаси номидан

Ҳ У Қ М

2023 йил январь ойининг 12 куни, жиноят ишлари бўйича Наманган туман суди очик сайёр суд мажлиси Наманган туман Хонабод МФЙ биносиди бўлиб, суд раиси Б.Абдуллаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Эргашевнинг котиблигида, давлат айбловчиси Наманган туман прокурорининг катта ёрдамчиси Т.Якуббаев, судланувчи Н.Қосимов, жабрланувчи Э.Хайдаровнинг иштирокида, судланувчи Қосимов Неъматжон Номонжон ўғлига оид 1-1602-2301/9-сонли жиноят иши кўрилди. Иш ҳужжатларига кўра:

Қосимов Неъматжон Номонжон ўғли – 1995 йил 12 июлда Наманган туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, муқаддам судланмаган, Наманган тумани, “Боғ кўча” МФЙ, Толбулоқ кўчаси, 42-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 5 январда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Қосимов Неъматжон Номонжон ўғли 2022 йил 13 декабрь куни соат 16:30 ларда таниши Хайдаров Элмурод Сарбар ўғли билан Наманган тумани, Деҳқонобод МФЙ ҳудудида жойлашган газ тўлдириш шохобчаси олдида учрашиб, ундан олган автомашина шинасини қайтариб бермаганлиги сабабли у билан ўзаро тортишиб, Э.Хайдаровни юз қисмига қўли билан бир маротаба уриб, соғлиғини бузулишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати етказган.

Судланувчи Н.Қосимов судда, айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, Э.Хайдаровни яхши танишини, 2022 йил 13 декабрь ўзининг бошқарувидаги “Дамас” русумли автомашинасини Наманган тумани, Деҳқонобод МФЙ, Мустақиллик кўчасида жойлашган “Хонабод-2” номли автомашиналар газ тўлдириш шохобчасига келиб, автомашинамни мазкур газ тўлдириш шохобчасидаги автомашиналар навбатига қўйган вақтда автомашинасини ғилдираги шикастланганини кўргани, шундан сўнг Э.Хайдаров келган вақтда унинг автомашинасидаги захира ғилдирагини вақтинча олиб тургани ва ўзининг шикастланган ғилдирагини таъмирлаб қайтариб беришини айтгани, бироқ ўзининг шикастланган ғилдирагини таъмирлата олмагани сабабли вақтида қайтариб бера олмагани, эртаси куни ғилдирагини таъмирлаб Э.Хайдаровни ғилдирагини машинасининг орқа ўриндиғига қўйгани, шундан сўнг машинасига газ тўлдириш мақсадида яна Хонабод-2 газ тўлдириш



шоҳобчасига олиб бориб қўйгани, Э.Хайдаров яна қўнғироқ қилиб захира ғилдирагини қайтариб беришини сўрагани, автомашинаси газ тўлдириш шоҳобчасида эканлигини айтиб машинасини юкхонаси очик ҳолатда эканлигини, бориб олиши мумкинлигини маълум қилгани, Э.Хайдаров қўнғироқ қилиб машинаси берк эканлигини айтганидан сўнг дарҳол етиб боргани, автомашинасини очиб Э.Хайдаровнинг захира ғилдирагини олиб бермоқчи бўлган вақтда Э.Хайдаров уни ҳақорат қилгани сабабли жаҳли чиққанлиги ва унинг юз қисмига бир маротаба уриб тан жароҳати етказгани, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда экани, жабрланувчидан кечирим сўраши ҳақида кўрсатув бериб, суддан қонуний енгиллик берилишини сўради.

Судланувчи Н.Қосимов судда айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб кўрсатув берган бўлса-да, унинг жинойт содир этганликдаги айби қуйидагилар билан, яъни:

жабрланувчи Э.Хайдаровнинг суддаги, у судланувчини яхши танишини, 2022 йил 13 декабрь куни ўзининг “ЛАБО” русумли автомашинасини Наманган тумани, Дехқонобод МФЙ, Мустақиллик кўчаси ҳудудида жойлашган “Хонобод-2” номли автомашиналар газ тўлдириш шоҳобчасида турган навбатдан олиб кетгани келган вақтда судланувчи Н.Қосимов унинг олдига келиб машинасини ғилдираги шикастлангани, захира ғилдираги бўлса бериб туришини илтимос қилгани, шунда у ўзида мавжуд бўлган захира ғилдирагини унга тезда қайтариб беришини айтиб бергани, шундан сўнг у Андижон шаҳрига бориши кераклиги сабабли судланувчига телефон қилиб ғилдирагини қайтариб беришини сўрагани, судланувчи Н.Қосимов унга ўзининг шикастланган ғилдирагини ҳали таъмирлата олмаганини, Андижонга кетаверишини агар йўлда бирон кор ҳол бўлса у бориб ёрдам беришини айтгани, шундан сўнг у судланувчининг гапларига ишониб Андижон шаҳрига бориб келгани, шундан сўнг эртаси куни Қўқон шаҳрига бориши кераклиги сабабли судланувчига қўнғироқ қилиб ғилдирагини қайтаришни сўрагани, ва унинг яшаш уйига боргани, шунда судланувчи Н.Қосимов машинасини Наманган тумани, Дехқонобод МФЙ, Мустақиллик кўчаси ҳудудида жойлашган “Хонобод-2” номли автомашиналар газ тўлдириш шоҳобчасига ташлаб келганини, автомашина багаж эшиги қулфланмаганлигини, мазкур шоҳобчасига бориб ғилдирагини олиши мумкинлигини маълум қилгани, шундан сўнг у газ тўлдириш шоҳобчасига бориб ғилдирагини олмоқчи бўлган вақтда судланувчининг машинаси қулфланган эканлигини билгани, шундан сўнг у судланувчига қўнғироқ қилганидан сўнг у етиб келгани, аста секинлик билан автомашина багаж эшигини очгани, бироқ ғилдирагини қайтариш ўрнига, у бошқа нарса билан банд бўлгани шунда у “одамларга ўзи яхшилик қилмаслик керак” деб айтгани ва судланувчи билан ўзаро гап тортишгани, шунда судланувчи уни юзига уриб юбориб тан жароҳати етказгани, ҳозирда судланувчига нисбатан моддий даъвоси йўқлигини, уни кечирмаслиги, ярашувга рози эмаслиги,



судланувчига нисбатан қонуний чора кўрилишини сўраши ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ А.Юнусалиевнинг суддаги, у 2022 йил 13 декабрь куни у бошқарувидаги “Дамас” русумли автомашинамни Наманган тумани, Деҳқонобод МФЙ, Мустақиллик кўчаси худудида жойлашган “Хонобод-2” номли автомашиналар газ тўлдириш шохобчасига келиб, автомашинасини мазкур газ тўлдириш шохобчасидаги автомашиналар навбатига кўйиб турган вақтида судланувчи Қ.Қосимов ва жабрланувчи Э.Хайдаров ўзаро жанжаллашаётганини кўриб уларнинг олдига бориб уларни ажратиб қўйгани, шундан сўнг судланувчидан нима сабабдан жанжаллашгани ҳақида сўраган вақтда судланувчи Н.Қосимов жабрланувчи Э.Хайдаров уни ҳақорат қилгани сабабли уриб юборганини айтгани ҳақидаги кўрсатуви билан;

– бундан ташқари, жиноят ишига қўшилган ва суд мажлисида текширилган далиллар мажмуи, хусусан:

– жабрланувчи Э.Хайдаровнинг аризаси (*ж.и 3-варақ*);

– жабрланувчи Э.Хайдаровнинг юқори лаб шиллик қавати лат еган жароҳати аниқланган бўлиб, ушбу тан жароҳатлар ўтмас қаттиқ жисм таъсирида қарорда кўрсатилган ҳолатда етказилганлиги, оғирлик даражасига кўра соғлиғининг бузулишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати гуруҳига киришлиги ҳақидаги Республика суд-тиббий илмий-амалий маркази Наманган филиалининг 19.12.2022 йилдаги 7408/5378-сонли хулосаси (*ж.и 15-16-варақ*);

тушунтириш хатлари, юзлаштириш баённомалари, гувоҳларнинг кўрсатувлари ва жиноят иши бўйича тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ исботини топади.

Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Н.Қосимовнинг жиноий хатти-ҳаракатлари ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди. Чунки, у жабрланувчи Э.Хайдаровга қасдан соғликнинг қисқа муддатга бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати етказган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Н.Қосимовга жазо тури ва меъёрини тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқорида қайд этилган Қарори тушунтиришларига риоя қилиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги,



қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, муқаддам судланмаганлигини, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг қилмишида жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб топиб, жабрланувчининг унга нисбатан қонуний чора кўрилиши ҳақидаги талабини инобатга олиб, у айбланаётган модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

жабрланувчи Э.Хайдаровга соғлигига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик иш юритуви тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни;

тергов ҳаракатлари ёзиб олинган 1 дона ДВД диск жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топади.

Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471-474-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Қосимов Неъматжон Номонжон ўғли ЖК 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Н.Қосимовга ЖК 109-моддаси 2-қисми билан, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати Н.Қосимов ички ишлар органларида рўйхатга олиниб, корхона, муассаса, ташкилотларда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисобланиб, жазони назорат қилувчи орган белгилаган жойларда ўтатирилсин.

Н.Қосимовга нисбатан қўлланган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи Э.Хайдаровга соғлигига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик иш юритуви тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтирилсин.

Ашёвий далил сифатида ишга қўшилган 1 дона ДВД диск жиноят иши билан биргаликда

Ҳукмдан норози тарафлар йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг, шу муддат ичида туман суди орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Б.Абдуллаев



Маъсул судья: Абдуллаев Баходир Камолхонович



Ҳужжат имзоланган: Абдуллаев Баходир Камолхонович, 04.02.2023

